

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ЖИНСИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Моҳира Холиқова,
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти
катта илмий ходими,
фалсафа доктори, доцент

*Фарзандларингизга таълим беринг,
чунки улар сизники бўлмаган вақт учун тузилганлар.*
Ҳадис

*Барча манфаатлар ичида энг гўзали –
яхши тарбия олган инсондир.*
Эпикур

Жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ўз жинсига монанд физиологик, тиббий, ижтимоий-маънавий, руҳий билим ва кўникмаларини шакллантириш, ёш авлоднинг соғлом вояга етиши, репродуктив (насл қолдириш) қобилиятга эга бўлишини таъминлаш, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат.

Жинсий тарбия ўғил ва қиз болаларда эркак-аёл муносабатлари, жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни қарор топтиришни кўзда тутади.

Жинсий тарбия маънавий-ахлоқий, жисмоний, ақлий-интеллектуал, эстетик тарбия билан уйғунликда олиб борилиши, оилада бошланиши, ота-оналар, шифокорлар, педагоглар ҳамкорлигида амалга оширилиши, боланинг ёши, жинси ҳамда бошқа хусусиятларига монанд бўлмоғи даркор.



Зеро тарбия фақат жинсий ҳаёт асослари билан таништириш, болаларга гигиеник кўникмалар, эркак ва аёл танасининг тузилиши, жинсий ривожланиш босқичлари ва қонуниятларини англаштириш билан чекланмайди, балки жинсга нисбатан қарашни тўғри сингдириб бориш, йигит ва қизларнинг ўзига хос тарбиясига эътибор, гендер тенглиги, фарзандларнинг ўзаро муомалада масофа сақлаши, жинсга оид нозик

тушунчалар, уйланиш ва турмуш куриш билан боғлиқ масалаларни ёшига мос равишда етказиш, бу борада рухсат ва тақиқлар, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига боришни аңглатишни ўз ичига олади.

Ёшларга оила куришнинг асл мақсади, жинсий ҳаёт зарурияти, унинг қоидаларини аңглатиш ўзига хос услубда, ментал хусусиятлар, динимиз кўрсатмалари ва миллий урф-одатларимизга мувофиқ тарзда тиббиёт ва саломатликка оид замонавий билимлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши зарур [2].

Шу билан бирга жинсий тарбия шахснинг ёш даврлари ва психологик хусусиятларига мос равишда босқичма-босқич олиб борилиши керак.

Баъзи оилаларда ота-оналар жинсий тарбияга бефарқ бўлади ёки бу мавзуда суҳбатлашишга истиҳола қилади, натижада фарзандлар турмуш курганидан кейин, ушбу масалалар сабабли турли муаммолар, низолар ва келишмовчиликлар келиб чиқади.

Ота-боболаримиз фарзандни ҳалол ва ҳаромнинг фарқига борадиган, оиланинг шаъни, ғурури учун курашадиган ахлоқ соҳиблари бўлиши, йигитларнинг ор-номусли, қизларнинг иффатли, ҳаёли бўлиб вояга етиши учун жинсий тарбия услубларини қўллаб келганлар.

Ўсмирлик чоғидан бошлаб йигит-қизларга оилавий ҳаёт сирлари, эр-хотинлик одоби, бошқа жинс вакилига бўлган ҳурмат, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашга оид билимлар етказилган.

Диний қадриятлардан маълумки, аёллар оилавий турмушнинг барча жиҳатига оид масалаларда пайғамбаримизнинг ҳузурига келиб, маслаҳат олишган.

Фиқҳ китобларида жинсий тафаккурга оид (оила куриш, никоҳ, эр-хотинлик одоби, ҳайз кўриш, туғруқда қон кетиши, ҳомиладорлик, фарзанд дунёга келтириш) мавзулар батафсил очиб берилган. **“Ислом таълимотига кўра, оила Яратганнинг розилигини топиш, пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ахлоқлари, исломий одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида курилади.**

Шунинг учун динимиз оилани никоҳ асосида куришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний муносабатларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. Жамият ёмонлик ва бузғунчиликнинг барча турларидан холи тинч ва обод бўлиши, аввало, ушбу кичик жамиятнинг тинчлигига боғлиқ”[1].

Диний қадриятларда жинсий-ахлоқий тарбия хусусида

Қасамки, Биз инсонни (одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)даги маний қилдик (Мўъминун сураси, 12-13-оятлар).

Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб тукқандир. Унга хомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш муддати ўттиз ойдир (Ахқоф сураси, 15-оят).

Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди (Наҳл сураси, 72-оят).

Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсиз – нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! (Бақара сураси, 222-оят).



Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир (Исро сураси, 32-оят).

Эй йигитлар, сизлардан қай бирингиз оила қуришга қурби етса, уйлансин. Уйланиш номаҳрамларга кўз ташлашдан, зинокорликдан асрайди. Қурби етмаган киши рўза тутсин, токи унга тўсиқ бўлсин (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти).

Тўртта яхши иш бор, улар пайғамбарлар суннатидан саналади: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш ва уйланишдир (Имом Термизий ривояти).

Ким уйланган бўлса, динининг ярмини мукамал қилибди, қолган ярмида Аллоҳга тақво қилаверсин (Табароний, Байҳақий ривояти).

Аёл тўрт нарсаси: моли, ҳасаби, жамоли ва дини учун никоҳланади. Бас, сен диндорини танла (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий ривояти).

Ҳеч бир ота ўз фарзандига гўзал одобдан ҳам ортиқроқ ҳадя бера олмайди (Термизий ривояти).

Соҳага оид тадқиқотлар бугунги кунда ёшларнинг оилавий ҳаётга оид билимларининг етарли эмаслиги, жинсий тарбияни асосан ОАВ ва интернетдан олиши, жинслар ўртасидаги фарқлар, инсон танасига оид физиологик ҳолатлар, туғруқни режалаштириш, контрацептив воситалардан тўғри фойдаланиш, юқумли касалликларнинг профилактикасини қарийб билмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ушбу соҳада кўплаб ташвишли муаммолар (юқумли касалликларга чалиниш, эрта туғруқ, оилавий низолар, келишмовчиликлар, ажримлар) пайдо бўлмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг статистик маълумотларига кўра 2020 йилнинг дастлабки олти ойи давомида 14-17 ёшли қизлар орасида 84 та эрта туғруқ ҳолати қайд этилган [3].



Жинсий-ахлоқий тарбиянинг муҳим аспекти:

- ❖ Оилада ва МТМда мактабгача тарбия ёшидаги болаларга гигиена маданияти ва юриш-туриш қоидаларини ўргатиб бориш;
- ❖ ўсмирлик даврига, ўсмир фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш (Чунки бу даврда гормонал ўзгаришлар - эндокрин безлари, жинсий безларнинг фаолияти кучайиши, жинсий майл уйғониши юз беради, бошқа жинсга қизиқиш пайдо бўлади. Ушбу даврда фарзандларни жинсий аъзоларнинг соматик ва анатомик-физиологик хусусиятларидан бохабар қилиш, қизларда ҳайз кўриш, ўғил болаларда ихтилом каби физиологик ҳодисалар табиий ҳол эканлигини, бундай вазиятда гигиена қоидаларига амал қилиш кераклигини қизларга онаси, ўғилларга отаси ёки яқин кишилари тушунтириб бериши зарур.);
- ❖ болаларнинг кийими табиий матолардан бўлиши, уларга ноқулай ва тор кийим кийгизмаслик;
- ❖ профилактика, тиббий кўрикдан ўтиб туриш, касалликларни ўз вақтида даволатиш;
- ❖ йигит-қизларга ор-номус, оила ғурури, бурч, масъулият, шарм-ҳаё, вафо, садоқат, бошқа жинс вакилига ҳурмат каби ахлоқий фазилатларни сингдириб бориш;



- ❖ ёшларда иқтидор, қобилиятларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан шуғулланишларини тарғиб қилиш;
- ❖ ёшларда жинслар ўртасидаги фарқлар, гендер тенглиги масалаларига оид тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий, педагогик-психологик тадбирларни амалга ошириш;
- ❖ ёшларнинг ОИТС ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг олдини олиш, репродуктив саломатликка оид билимларини шакллантириш;
- ❖ оилавий ҳаётга оид ҳуқуқ, бурч ва масъулиятни англашти.

Адабиётлар рўйхати

1. У. Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Т. Мовароуннаҳр. 2014 й.
2. Douglas Kirby, Ph. D.: Emerging Answers: Research Findings on Programs to Reduce Teen Pregnancy. National Campaign to Prevent Teen Pregnancy, Homepage of the study. 2001.
3. <https://uzanalytics.com/jamiyat/8550/>.